**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ ҚАРАРЫ**

Нукус шаҳри — Нөкис қаласы

№ 341 «24» май 2018 ж.й

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрдаги 4054-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт - шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда фуқароларни 2019 йилги муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақирувга тайёргарлик кўриш ҳақида.**

Қуролли Кучлар таркибини интеллектуал салоҳиятли, ахлоқий-руҳий жиҳатдан етук, юксак билимли ва жисмонан бақувват чақирувчилар билан бутлаш ҳамда фуқароларни 2019 йилги муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақирувга тайёргарлик кўриш тадбирларини сифатли ўтказиш мақсадида,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **Қарор қилади:**

1. Фуқароларни 2019 йилги муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақирувга тайёргарлик кўриш тадбирлар режаси 1-иловага ва чақирув ёшидаги фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга соғлиги бўйича олдиндан сифатли саралаб олиш учун Республика доимий тиббий комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

жорий йилнинг 3 август кунидан бошлаб мудофаа ишлари бўлимлари мансабдор ходимлари билан биргаликда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларига чиқиб чақирув ёшига тўлган фуқароларни 2019 йилги муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига саралаш учун ўрганиш тадбирларини амалга ошириш;

жорий йилнинг 1 сентябрь кунига қадар муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақириш учун чақирув пунктларини тайёрлаш;

Нукус шаҳар ва туманлар чақирув пунктларини керакли бўлган техник ходимлар, автоуловлар, алоқа воситалари, анжомлар ва жиҳозлар билан таъминлаш;

чақирилувчиларни чақирув пунктидан Республика йиғин пунктигача олиб бориш ва олиб кетишда йўл ҳаракати хафсизлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сонли "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий гувоҳлантириш йўриқномаси"ни тасдиқлаш ҳамда 2009 йил 9 апрелдаги 103-сонли "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий гувоҳлантириш йўриқномасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарорларига асосан чақирув пунктларини тиббий анжомлар, асбоб-ускуналар билан талаб даражасида жиҳозлаш, шунингдек тиббий комиссияларининг самарали ишлаши, чақирилувчиларни тиббий кўрикдан сифатли ва холисона ўтказилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижросини қатъий назоратга олиш;

жойлардаги чақирув пунктларида муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига саралаб олиш ишларини ташкиллаштириш;

фуқароларни 2019 йилдаги навбатдаги чақирувга, чақирилувчиларни ўрганиб чиқиш жараёнида жойлардаги маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, профилактика инспекторлари ва қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари мудофаа ишлари бўлимлари билан биргаликда, чақирилувчиларнинг оилавий шароитларини, дунёқарашларини ўрганиш, уларнинг ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш, чақирилувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтирилишига, мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатиш;

муддатли ҳарбий хизматга саралаб олинган чақирилувчилардан жисмоний тайёргарлик нормативларини танлов мезонлари асосида қабул қилиш комиссияси таркибини тузиш;

Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунинг 45-моддасига асосан, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда чақирилувчиларни чақирув пунктига чақириш ва уларнинг келишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д. Ходжиев)га:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сонли "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий гувоҳлантириш йўриқномаси"ни тасдиқлаш ҳамда 2009 йил 9 апрелдаги 103-сонли "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий гувоҳлантириш йўриқномасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарорларига асосан чақирув пунктларини тиббий анжомлар, асбоб-ускуналар билан талаб даражасида жиҳозлаш, шунингдек тиббий комиссияларининг самарали ишлаши, чақирилувчиларни тиббий кўрикдан сифатли ва холисона ўтказилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижросини қатъий назоратга олиш;

жорий йилнинг 10 август кунига қадар руҳий кассаликлар, сил касаллигига қарши, тери-таносил ва наркология диспансерларида ҳисобда турган 1992-2001 йилда туғилган фуқароларнинг рўйхатини ўз вақтида мудофаа ишлари бўлимларига етказиш;

тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида касаллиги аниқланган чақирилувчи ёшларни ўз вақтида даволаш ва соғломлаштириш ишларини амалга ошириш учун Республика, Нукус шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларида 7-10 та ўринлар (койкалар) ажратилишини таъминлаш;

2019 йилдаги навбатдаги чақирувга, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва бошқа вазирликларнинг режимли командаларига олдиндан саралаш ишлари даврида жойлардаги чақирув пунктларига асосий иш жойи сақланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари-Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғининг 2018 йил 17 февралдаги 21/3/471 сонли директивасига асосан, Республика доимий тиббий комиссияси, Нукус шаҳар ва туманлар тиббий чақирув комиссияларининг ишига турли ихтисосликка эга бўлган олий ва биринчи тоифали, бунинг иложи бўлмаган тақдирда юқори малакали, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали шифокорлар жалб этилсин ва бу масала юзасидан, тиббий бирлашма бош шифокорларининг масъулиятини янада ошириш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа вазирликларнинг режимли командаларига чақирилувчиларни соғлиги бўйича олдиндан сифатли саралаб олиш учун Республика доимий тиббий комиссияси, Нукус шаҳар ва туманлар тиббий чақирув комиссияларининг ишини жорий йилнинг 3 сентябрь кунидан 25 декабргача белгилаш топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов)га:

жорий йилнинг 5 сентябрь кунидан Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ги Қонунининг 45-моддасига мувофиқ, мудофаа ишлари бўлимлари томонидан тақдим этилган рўйхатларига асосан чақирув пунктларига ўз вактида келмаган фуқароларни олиб келинишини юз фоизга таъминлаш чораларини кўриш;

Республика йиғин, Нукус шаҳар ва туманлар чақирув пунктларида, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга саралаш ишлари жараёнида жамоат тартибини сақлашни таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳамроҳлигида чақирилувчиларни туманлар чақирув пунктидан Республика йиғин пунктига олиб бориш ва олиб кетишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

жиноий жавобгарликка тортилган ва тергов ишлари олиб борилаётган, диний оқимлар ҳисобида турган чақирилувчиларнинг рўйхатини мудофаа ишлари бўлимларига белгиланган муддатда тақдим этиш топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (А.Аяпов)га:

чақирилувчиларнинг маънавий ва руҳий ҳолатларини аниқлаш ҳамда муддатли ҳарбий хизматга руҳий камчилиги бўлган чақирилувчиларнинг жўнаб кетишининг олдини олиш мақсадида Республика йиғин пункти тиббий кўригида иштирок этиш учун малакали психолог мутахассис ажратиш;

чақирилувчиларни маънавий-руҳий фазилатларини ва интеллектуал ривожланиш савиясини ошириш бўйича Республика йиғин пунктини ахборот – ресурс марказидан бадиий асарлар, журнал ва газеталар билан таъминлаш топширилсин.

6. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Қорақолпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси (А.Берлиев) ва «Қорақалпоқ транс» АЖ (Б.Ниетуллаев) чақирилиши лозим бўлган чақирилувчиларни Республика йиғин пунктига ўз вактида тўлиқ, олиб келиш ва ўз манзилларига олиб кетиш учун туманлар мудофаа ишлари бўлимлари билан икки томонлама тузилган шартномага асосан автобус ажратсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакили (М.Абдуллаев) Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан тасдиқланган жадвал асосида чақирилувчиларни тест синовларидан тўлиқ ўтказсин.

8. "Қорақалпоқэлектртармоқлари ҳудудий корхонаси" АЖ (З.Керимзатов), "Қорақалпоқгаз" МЧЖ (А.Кудайназаров), "Туямуюн - Нукус" минтақавий сув ўтказгич ва фойдаланиш бошқармаси (М.Утениязов) Республика йиғин пункти ва жойлардаги чақирув пунктларида чақирувга тайёргарлик мавсумини сифатли ўтказиш мақсадида электр энергия, сув ва газ таъминоти билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўрсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпанияси (Қ.Нагметов), Матбуот ва ахборот агентлиги (А.Бекмуратов) чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёргарлик ишларини, чақирилувчиларни саралаш, синовлардан ўтиш низомини, муддатли ҳарбий хизматчиларга хизмат вақтида ва хизматдан кейин бериладиган имтиёзларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси (Б.Бегабаев), Маданият вазирлиги (П.Айтмуратов), Соғликни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев), Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши (А.Данияров), "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими (Т.Романов) ва Давлат тест марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакили (М.Абдуллаев):

жойларда фуқароларни 2019 йилдаги навбатдаги чақирувга тайёргарлик ишларини самарали ташкил этсинлар;

чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини, уларнинг маънавий - руҳий фазилатларини ва интеллектуал ривожланиш савиясини қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминласинлар.

11. Нукус шаҳар ҳокимлиги (П.Турешов) Нукус шаҳрида жойлашган корхона ва ташкилотлардан жорий йилнинг 1 июнь кунидан 30 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси йиғин пунктига Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлими орқали ободонлаштириш ва тозаликга риоя қилиш учун 6 нафар техник ходимларни ажратсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси (Б. Бегабаев):

жорий йилнинг 3 август кунидан бошлаб Нукус шаҳар ва туманлар маҳалла (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги муддатли ҳарбий хизматга чақиришга лаёқатли бўлган 1992-2001 йилларда туғилган фуқароларни мудофаа ишлари бўлимлари ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари томонидан ўтказиладиган ўрганиш тадбирларини назоратга олсин;

чақирилувчиларнинг оилавий шароитларини ўрганиш, уларнинг дунёқарашларини ҳамда ҳарбий хизматга яроқлилигини текшириш мақсадида жорий йилнинг август ойида Республика йиғин, Нукус шаҳар

ва туманлар чақирув пунктлари доимий тиббий комиссияси аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан кўргазмали машғулот ўтказсин;

ҳар бир чақирилувчининг саломатлик даражаси, билим доираси интеллектуал қобилияти, оилавий шароити ва руҳий беқарорлик даражаси бўйича текширув ўтказилиб, юқори балл тўплаган чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизмат сафига белгилансин;

тасдиқланган жадвал асосида муддатли ҳарбий хизматга саралаб олинган чақирилувчилардан жисмоний тайёргарлик синовларини жорий йилнинг 25 сентябрь кунидан 2019 йил 15 январь кунига қадар Нукус шаҳар ва туманларда белгиланган спорт майдончаларида қабул қилишни таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
«24» ... 2018 йилдаги
341 сонли қарорига
1 илова

**2019 йилги муддатли ҳарбий, сафарбарлик чақируви резерви хизматига сифатли тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар режаси**

| № | Тадбирлар | Бажарилиш муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Республика йиғин, шаҳар ва туманлар чақирув пунктларини навбатдаги 2019 йилдаги муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақирув резерви хизматига тайёрлаш. | 2018 йил 10 августгача | Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари |
| 2 | Республика йиғин, шаҳар ва туманлар чақирув пунктларини табиий газ, сув ва электр манбаалари билан доимий равишда таъминлаб туриш. | Тайёргарлик даврида | “ҚҚэлектртармоқлари” АЖ, “Қорақалпоқгаз” МЧЖ, “Туямуюн – Нукус” минтақавий сув ўтказиш ва фойдаланиш бошқармаси |
| | Республика йиғин, Нукус шаҳар ва туманлар чақирув пунктларини алоқа воситалари, дори-дармонлар, тиббиёт ва хўжалик мол-мулки, автомобиль транспорти, техник ходимлар ҳамда керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш. | 2018 йил 15 авгутгача | Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигинини ҚР бўйича бошқармаси |
| | Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан чақирилувчиларни чақирув пунктларига чақирув қоғозларига асосан 100 фоиз чақириб беришларини назоратга олиш. | Доимий | Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари |
| | Чақирилувчиларни Нукус шаҳар ва туманлар чақирув участкаларидан Республика йиғин пунктига олиб келиш ва кетишда йўл ҳаракати хавфсизлигини йўл патруль хизмати ходимлари кузатувида таъминлаш. | Тайёргарлик даврида | Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг ҚР бўйича бошқармаси, “Қорақалпоқтранс” АЖ, Ички ишлар вазирлиги |
| | Республика йиғин, Нукус шаҳар ва туманлар чақирув пунктларини инфраструктурасини ва ҳудудини совуқ даврини хисобга олган ҳолда чақирувдан олдин таъминлаш. | 2018 йил 15 августгача | Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари |
| | Тайёргарлик даврида чақирилувчилар ва уларнинг ота оналари билан тарғибот ва ташвиқот ишларини ва уларга Ўзбекистон Республикасининг чақирувга боғлиқ бўлган Қонун ва қарорларини моҳиятини доимий равишда тушунтириш ишларини олиб бориш. | Тайёргарлик даврида | “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҚР Кенгаши |
| 3 | Тайёргарлик даврида кенг қамровли, Ўзбекистон Республикасининг чақирувга боғлиқ бўлган Қонун, Қарорлар ва Мудофаа вазирининг буйруқларини моҳиятини доимий равишда ёшлар ўртасида телевидение ва радио орқали тушунтириш ишларини олиб бориш. | Тайёргарлик даврида | ҚР телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги |
| 4 | Газета ва журналлар орқали чақирилувчилар учун муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақириш учун ўтиладиган синовлар, имтихонлардан ўтиш лозимлиги ва муддатли ҳарбий | Ҳар ой | ҚР Матбуот ва ахборот агентлиги |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | хизматдан кейин қандай имтиёзлар берилиши ҳақида кенг камровли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш. | | |
| | Чақирувдан олдин шаҳар ва туманлар мудофаа ишлари бўлимларига суд, ички ишлар ва прокуратуралардан қонунбузарлик бўйича ҳисобда турган ҳамда судланган чақирувчиларнинг рўйхатларини тақдим қилиш. | 2018 йил 15 августгача | ҚР Ички ишлар вазирлиги |
| 5 | Тайёргарлик даврида Республика йиғин, шаҳар ва туманлар чақирув пунктларини жамоат тартибини сақлаш ишларини олиб бориш. | Тайёргарлик даврида | ҚР Ички ишлар вазирлиги |
| | Бош тортган ҳамда сабабсиз чақирув пунктларига келмаган чақирилувчиларни чақирув пунктларига, шаҳар ва туманлар мудофаа ишлари бўлими рўйхатига асосан 100 фоиз чақириб беришини таъминлаш. | Тайёргарлик даврида | ҚР Ички ишлар вазирлиги |
| | Тайёргарлик даврида шаҳар ва туманлар даволаш муассасаларига соғлиги бўйича туман мудофаа ишлари бўлими томонидан йўлланма билан юборилган чақирувчиларни ўз вақтида даволаш ишларини олиб бориш. | Доимий равишда | ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 95-сонли қарорига асосан Республика йиғин, шаҳар ва туманлар чақирув пунктларини дори-дармонлар, тиббиёт ва хўжалик мол-мулки ҳамда олий ва 1-тоифали, бунинг иложи бўлмаган тақдирда юқори малакали, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган шифокор мутахассислар билан таъминлаш. | 2018 йил 15 августгача | ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 6 | Тиббий комиссияси таркибини қайта кўриб чиқиш ва уларни мутахассислиги, малакаси, тажрибаси бўлган тиббий ходимлар билан таъминлаш. Чақирилувчиларни тиббий кўрик ўтказиш жараёнида адолатлилик ва холисликни таъминлаш учун тиббий комиссия шифокорларнинг масъулиятини ошириш. | Доимий равишда | ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| | Тиббий кўрик ўтказишдан олдин тиббий комиссиялар таркиби билан чақирувчиларни тиббий гувоҳлаштириш масалалари бўйича бир кунлик методик машғулотлар ўтказиш. | 2018 йил 20 августгача | ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| | Чақирувдан олдин Республика йиғин, шаҳар ва туманлар мудофаа ишлари бўлимларига даволаш муассасаси ҳамда диспансерида соғлиги бўйича ҳисобда турган чақирилувчиларнинг рўйхатларини тақдим қилиш. | 2018 йил 15 августгача | ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 7 | 2018 йилда коллеж ва лицейларни битирган ёшларга Республикамизда ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган ҳарбий соҳага оид Қонун ва Қонун ости хужжатлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш. | Доимий равишда | ҚР Вазирлар Кенгашининг котибияти, Ўзбекистон ёшлар иттифокининг ҚР Кенгаши |
| 8 | 2019 йил муддатли ҳарбий хизматга тайёргарлик ишларини назоратга олиш. | Доимий равишда | Чақирув комиссиялари раислари |
| 9 | Юқорида кўрсатилган ишлар юзасидан чиқарилган Қарор ва буйрук нусхаларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тақдим қилиш. | 2018 йил 30 августгача | Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари |

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
«24» Мая 2018 йилдаги
341 сонли қарорига
2-илова

**Чақирув ёшидаги фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга соғлиги бўйича олдиндан сифатли саралаб олиш учун Республика доимий тиббий комиссияси**

**Т А Р К И Б И**

1. Далымбетов Т. - Олий тоифали жарроҳ шифокори, доимий тиббий комиссиясининг катта врачи Республика ўсмирлар диспансеридан.
2. Каримов Б. - Олий тоифали невропатолог доимий тиббий комиссиясининг шифокори, Республика шошилинч тиббиёт марказидан.
3. Эм М. - Олий тоифали доимий тиббий комиссиясининг шифокори, кўз шифокори, Республика кўз касалликлари шифохонасидан.
4. Бердибаев А. - Олий тоифали жарроҳ доимий тиббий комиссиясининг шифокори Республика шошилинч тиббиёт марказидан.
5. Менлимуратова С. - Олий тоифали психиатр-нарколог доимий тиббий комиссиясининг шифокори Республика руҳий касалликлари диспансеридан.
6. Наурызбаева Г. - Олий тоифали доимий тиббий комиссиясининг қулоқ-бурун шифокори, Нукус шаҳри 3-сонли поликлиникасидан.
8. Полванизова Э. - 1-тоифали доимий тиббий комиссиясининг тери - таносил шифокори, Республика тери-таносил касалликлари диспансеридан.
9. Инаева О. - 1-тоифали доимий тиббий комиссиясининг тиш шифокори, Республика болалар тиш поликлиникасидан.
10. Нургазиева А. - 1-тоифали доимий тиббий комиссиясининг кардиолог шифокори, Республика кардиология диспансеридан.
11. Казакбаева Г. - Доимий тиббий комиссиясининг котиби 1-сонли Республика шифохонасининг ҳамшираси.

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHI
QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM